

Қора металлар бозорини 2018 йилнинг январь-февраль учун таҳлили

Куриб чикилаётган давр мобайнида, яъни жорий йилнинг январь-февраль ойларида биржанинг ушбу сегментида айрим узгаришлар содир булди. Махсулотларни биржа оркали сотиш хажми утган йилнинг мос даврига нисбатан 6 маротабага ошиб 28 минг тоннани ташкил этди. Бунда арматурининг улуши 8% га ошиб 74% ни ташкил этди. Уголокнинг улуши сотиш хажми кескин ошганлигига карамасдан аксинча 20% дан 17% гача кискарди. Бозордаги учинчи урин доирага тегишли булиб унинг улуши 4% ни ташкил этмоқда. Бошка гурухларнинг улушлари нисбатан пастрок.

Ушбу махсулотни биржа оркали сотиш хажми пасайганлигига карамасдан унинг таркибий тузилмасида катта узгариш содир булмади. Етакчилар каторига анънавий тарзда арматуранинг 10, 12, 14 ва 16 маркалари киради. Уларнинг умумий улушлари 54% ни ташкил этмоқда. Бозордаги мутлок етакчиликни эгаллаб турган 12 ва 16 маркали арматуранинг улушлари бир хил яъни 18% дан ташкил этмоқда.

Январь февраль ойларида ушбу бозор асосан пасайишни намоён этди. Йилнинг бошларида уртacha нархлар 6,3 млн сумни ташкил этган булса январь ойининг охирларида ушбу курсаткич 6 млн сумгача тушиб кетди. Ушбу котировка кейинги кунларда хам сакланиб келди. Февраль ойининг урталариға келиб уртacha нархлар 5,7 млн сумгача тушиб кетди. Нархларни пасайиш даражаси 10% ни ташкил этди. Трейдерларнинг фикрича нархларнинг пасайши сотув хажми кутарилганлиги билан боғлик.

Бурчак сегментида сотиш хажми ошганлигига карамасдан унинг таркибий тузилмасида катта узгаришлар юз бермади. Етакчилар каторига 63 ст3 -45%, 50 ст3 – 30%, 75 ст3 – 20%. Яъни уларнинг умумий улушлари 95% ни ташкил этди. Бу эса утган йилга нисбатан 7% га купдир.

63 маркали бурчакнинг нархларига эътибор берамиз. Бу ерда асосан пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан январь февраль ойларида уртacha нархлар максимал 6,6 млн сумдан 5,3 млн сумгача тушиб кетди. Нархларни пасайиш даражаси 19% ни ташкил этди. Уртacha махсулотларни кунлик сотиш хажми 1,2 минг тоннани ташкил этмоқда.